## ОЛДИ–СОТДИ ШАРТНОМАСИ№ 120

Карши шахри «02» декабр 2022 йил

**Карши ш «Осиё Нафис» МЧЖ** кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбари **И.Файзиев** номидан, бир томондан ва **Вилоят ногиронлиги булган шахсларни реабилитация килиш ва протезлаш маркази** (ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Сотиб олувчи"деб юритилади,ЎзинингНизоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари **Р. Жураев** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳакида туздилар.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Маҳсулот) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тайер иссик овкатлар | услуга | 1 | 12 542 410 | 12 542 410 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | **Жами:** | | | | 12 542 410 |

1.2.Шартноманинг умумий суммаси: Ун икки миллион беш юз кирк икки минг турт юз ун сум 00 тийин

### 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 12 542 410 сумни ташкил этади.
2.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун олдиндан тулов миқдори 3 762 723 сумни, яъни белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг декабр ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 8779687 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура тақдим қилингандан сўнг 2022 йил декабр ойида амалга оширилади.
2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонига асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши тақиқланган. "Сотувчи" мазкур фармонга амал қилиши шарт.
2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.
2.5 Махсулотни етказиб бериш муддати « 31» декабр 2022 йилгача.

### 3. ТОВАР (МАҲСУЛОТ)НИНГ СИФАТИ

3.1. Сифат товар (маҳсулот)ларнинг ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.
3.2. Сотувчи тўпламда яроксиз, яъни тегишли даражада сифатли бўлмаган (**ветеринария, санитария, лаборатория талаблари**) махсулот мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 24 соат ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.
3.3. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
3.4. Ишлаб чиқаришга оид нуксонлари аникланганлиги муносабати билан Сотиб олувчи томонидан кафолатли муддат доирасида қайтарилган товарлар Сотувчигакайтариб берилиши лозим, бунда Сотувчи уларнинг қийматини тўлик

коплаб бериши ёки Сотиб олувчи билан келишган холда 24 соат ичида яроксиз товар (махсулот)ларни сифатли товар (махсулот)ларга алмаштириб бериши керак.

**4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

4.1. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра кўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хакидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина хакконийдир.
4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган кўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас кисми бўлиб хисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
4.3. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошка холларда кайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

**5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик жавобгарликка тортилади.

**6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. 2014йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси»га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг конуний кучга киради ва "31 "декабр 2022 йилгача амалда бўлади.
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги холларда бекор килиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз.Р. конунчилик хужжатларида назарда тутилган холларда.
- Форс-Мажор холатларида

**7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган такдирларида Ўз.Р. Фукаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги конуни хамда бошка конун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
7.2. Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги конунга ва Фукаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида хал килинади
7.3. Келишмовчиликлар юзага келган такдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал килинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Қашкадарё вилоят Хўжалик судида хал килинади.

**8. ФОРС – МАЖОР**

8.1. Айтиб бўлмайдиган, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошкини ва бошка табиий офатлар форс-мажор) туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даржада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

**9. БОШҚА ШАРТЛАР**

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

**10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

| «СОТУВЧИ» | «СОТИБ ОЛУВЧИ» |
|---|---|
| Карши **«Осиё-Нафис» МЧЖ**<br>(мол етказиб берувчининг номи)<br>Манзил: Карши тумани<br>Тел\факс +99890 425 44 24<br>х\в 20208000004696236001<br>Банк номи: ASIA ALLIANCE BANK Карши<br><br>МФО 01099 СТИР: 300794634<br>ОКОНХ 71150<br>Рахбар И. Файзиев<br><br>(имзо)<br><br>М.Ў. | **Вилоят ногиронларни реабилитация килиш ва протезлаш маркази**<br>(бюджет маблагларини олувчи номи)<br>Манзил: Б.Шеркулов кучаси 6 уй Карши шахри<br>тел\факс: 221-05-82<br>ш\х*: 100021860104017109405344001<br>400121860104017109405054001<br>Банк номи Марказий б б Б Тошкент шахри<br>МФО: 00014 СТИР: 202566680<br>ОКОНХ: 91510 Ғазначилик бўлинмаси номи<br>Республика молия вазирлиги ғазначилиги<br>Ғазна х/в: 23402000300100001010 Банкнинг номи: Тошкент шахар Марказий банк бош бошкармаси<br>МФО: 00014<br>Молия вазирлигиҒазначилиги СТИРи: 201122919<br>Рахбар: Р. Жураев |